

ТИЖОРАТЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ТУГАТИШ ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мухиддинов Нодир

ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали Давлат-ҳуқуқий фанлар

кафедраси ўқитувчиси

nodirmuxiddinov71@gmail.com

(97)772-49-48

АННОТАЦИЯ

Мақолада фуқаролик қонунчилигида тижоратчи юридик шахсларни тугатиш тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Таҳлил натижасида муаллиф тижоратчи юридик шахсни тугатишга доир фуқаролик қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш лозим деган хулосага келади. Юридик шахсни ихтиёрий ва мажбурий тугатишни ажратиш ва алоҳида нормалаш лозим. Натижада юридик шахсни тугатишга доир муносабатларни тартибга солиш ва ҳуқуқий низоларни олдини олишга хизмат қилади.

***Калит сўзлар:** юридик шахс, тугатиш, ихтиёрий тугатиш, мажбурий тугатиш, қайта ташиқил этиш, ҳуқуқий тартибга солиш.*

ПОНЯТИЕ И ОСОБЕННОСТИ ЛИКВИДАЦИИ КОММЕРЧЕСКИХ ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены понятие и особенности ликвидации юридических лиц в современном гражданском законодательстве. Анализируя указанные проблемы, автор приходит к выводу, что нормы гражданского законодательства о ликвидации юридических лиц необходимо систематизировать. Необходимо выделить и нормативно закрепить добровольную и принудительную ликвидацию юридического лица. Это позволит упорядочить указанный вид правоотношений и избежать множества правовых коллизий.

***Ключевые слова:** юридические лица, ликвидация, добровольная ликвидация, принудительная ликвидация, реорганизация, правовое регулирование.*

THE CONCEPT AND FEATURES OF THE LIQUIDATION OF COMMERCIAL LEGAL ENTITIES

ABSTRACT

The article discusses the concept and features of the liquidation of legal entities in modern civil law. Analyzing these problems, the author comes to the conclusion that the norms of civil legislation on the liquidation of legal entities must be systematized. It is necessary to highlight and normatively fix the voluntary and forced liquidation of a legal entity. This will streamline the specified type of legal relationship and avoid many legal conflicts.

Keywords: legal entities, liquidation, voluntary liquidation, forced liquidation, reorganization, legal regulation.

КИРИШ

Бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тижоратчи юридик шахслар республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин эгаллайди.

Тижоратчи юридик шахсни ташкил этиш, унинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва муайян ҳолатларда уларни тугатиш зарурати юзага келади. Фуқаролик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланган юридик шахсни тугатишни ҳуқуқий тартибга солиш механизми борасида муайян ноаниқликлар мавжуд. Бу борада миллий қонунчиликда ҳозирга қадар ўз ечимини кутаётган муаммолар йиғилиб қолган. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги фуқаролик қонунчилиги нисбатан тарқоқ, фрагментар, тизимга солинмаганлиги (турли қонун ҳужжатлари воситасида тартибга солиниши) билан ажралиб туради.

Юридик шахслар ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида етакчи куч ва иқтисодий муомаланинг асосий субъекти ҳисобланади. Бинобарин, капиталлар, иш кучи ва меҳнат сарфини бирлаштириш юридик шахсларнинг иқтисодий имкониятларини оширади ва бу ўз навбатида иқтисодий самарадорликни таъминлайди. Мамлакат ҳаётида юридик шахслар нафақат иқтисодий муомалани таъминлашга хизмат қилувчи субъект балки, ижтимоий ҳимоя ва иш ўринларини яратувчи субъект сифатида ҳам аҳамиятлидир. Шу билан бирга юридик шахсларнинг иқтисодий муомаладаги фаолиятини фуқароларнинг бу муносабатларидаги иштирокига нисбатан қулай ва ҳар томонлама самарали воситалар орқали тартибга солиш мумкинлиги ҳам дунёдаги иқтисодий воситалар интеграциялашуви жараёнида эътиборга молик ҳолат сифатида баҳоланади [1].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги вақтда тижоратчи юридик шахсларни тугатишга доир қонун ҳужжатлари тарқоқ ҳолда нормаланганлиги билан изоҳланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонунларида ҳар бир ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тижоратчи юридик шахсни тугатиш ҳақида алоҳида нормалар мавжуд.

Бундан ташқари, Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низом (2008 йил 22 май, 1815-сон), Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низом (1999 йил 11 февраль, 626-сон) ва бошқа қонун ости ҳужжатлари ҳам бевосита тижоратчи юридик шахсни тугатиш тартибини белгилайди.

Юридик шахсларни тугатиш субинститутига оид ФК нормаларига турли йилларда бир қатор ўзгартиришлар киритилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 декабрдаги қонуни билан “Юридик шахс фаолият рұхсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонунда тақиқланган фаолият амалга оширилган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига кўра, молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги сабабли белгиланган тартибда ҳаракатсиз режимга ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичида фаолият тикланмаган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра тугатилиши мумкинлигини [2] назарда тутган.

Бирок, назаримизда юридик шахсни ташкил этиш нисбатан осон, қулай ва ҳар томонлама енгилликлари билан ажралиб турсада, юридик шахсни тугатиш бир мунча қийинчиликлар туғдиради. Ўзбекистон “Doing Business 2018” рейтингда “Корхоналарни рўйхатга олиш” бўйича 2016 йилда 42- ўринда бўлган бўлса, 2018 йилга келиб 11-ўринни эгаллади. Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга ёрдам берадиган кўрсаткичлар ва уни чекловчи мезонлар бўйича 180 дан 74 позицияга кўтарилган. Ўзбекистон Республикаси муҳим

рейтингларда иштирок этмайди: International Property Rights Index, ICT Development Index, Global Innovation Index, Ease of Doing Business Index, Bloomberg Innovation Index, Global Competitiveness Report. 2035 йилда кутилаётган натижа Index of Doing Business (рейтингда ўрни)ни Топ-20 таликка етказиш ҳисобланади [3]. Ушбу ҳолат бевосита тижоратчи юридик шахсни тугатишни ҳуқуқий тартибга солиш механизмига доир бир қатор муаммоли вазиятлар юзага келаётганлиги сабабли алоҳида долзарблик касб этади.

А.В.Прозванченкованинг фикрича, юридик шахсларни тугатишга доир қонунчиликни юқори сифатда бўлишини таъминлаш масаласи фақат назарий масала эмас. Юридик шахс фаолиятини тугатиш уни вужудга келиши каби объектив ҳолат бўлиб ҳисобланади [4].

Фикримизча, қонунчиликда юридик шахсни ташкил этишга доир қулайликлар айнан юридик шахсни тугатиш босқичларига нисбатан қўллашда эҳтиёткорлик бўлиши талаб қилинади. Чунки, бунда тугатилаётган юридик шахснинг кредиторларининг ҳуқуқларини таъминлашга ҳам эришиш муҳим. Фақат бундай қоида хусусий шахслар иштирокидаги (жисмоний ва юридик шахслар) ва давлат иштирокидаги юридик шахсларга нисбатан қўлланилишида жиддий фарқлар бўлмаслиги зарур.

Қайд этиш лозимки, айрим муаллифлар юридик шахсни қайта ташкил этишни “юридик шахсни тугатиш” сифатида кўришади. Бошқа тадқиқотчилар эса, юридик шахснинг “ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўтказиш” сифатида кўради. Бундан ташқари, қайта ташкил этиш “универсал ҳуқуқий ворислик” юз бериш жараёни сифатида тушуниш ҳоллари ҳам мавжуд [5].

Яна бир гуруҳ муаллифлар қайта ташкил этиш алоҳида ҳуқуқий режим бўлиб, унинг мавжудлиги фуқаролик муомаласи ва бошқа ҳуқуқий муносабат (солиқ ва ҳ.к.) манфаатларини таъминлаш асосий мақсади бўлиб ҳисобланади, унинг мавжудлиги юридик шахс элементларини ўзгариши билан жиддий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблайди [6].

Ф.Кутлымуратовнинг фикрича, юридик шахсни қайта ташкил этиш ихтиёрий асосда амалга оширилади. Айрим ҳолларда юридик шахс ажратиб чиқариш ёки бир ёки бир неча юридик шахсга бўлиш ваколатли давлат органи ёки суднинг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин [7].

Фикримизча, юридик шахсларни ташкилий-ҳуқуқий шакллари уни ташкил этиш ва тугатишга ўзини таъсирини кўрсатади. Масалан, тижоратчи ва ноижорат ташкилотларини тугатиш ўзига хос режимга эга. Юридик шахсни тугатиш ва қайта ташкил этишни ҳам тўғри талқин қилиш зарур. Юридик

шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади (ФКнинг 53-моддаси). Юридик шахсни қайта ташкил этиш эса, анъанавий равишда бешта усулда, яъни кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш шаклида амалга оширилади (ФКнинг 49-моддаси). Юридик шахсни қайта ташкил этишда юридик шахс тугатилиши, ҳуқуқ субъекти бекор бўлишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Е.В.Ноданинг фикрича, юридик шахсни тугатиш ҳуқуқий муносабатни бекор бўлиш сифатида қуйидаги мазмунга эга: 1) юридик шахсни тугатиш ҳақида қарор қабул қилиш; 2) юридик шахс ишларини бошқариш бўйича ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш; 3) тугатилаётган юридик шахснинг учинчи шахслар олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини бекор қилиш; 4) юридик шахсга тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан юридик шахс ҳуқуқларининг бекор бўлиши [8].

Фикримизча, бу ўринда муаллиф юридик шахсни тугатиш босқичлари нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда турларга бўлишга ҳаракат қилган. Бу ўринда юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида тугатилиши натижасида ҳуқуқий муносабатни бекор бўлиши, ҳуқуқ ва мажбуриятларни, тугаши, жавобгарликнинг амалга оширилиши сифатида талқин қилиниши мақсадга мувофиқ.

Н.Имомовнинг фикрича, Фуқаролик кодексига тижоратчи бўлган ташкилотларнинг мутлақ рўйхатини киритиш амалий жиҳатдан зарур бўлган, чунки бу бозор иқтисодиётига ўтиш даврида муҳим шарт бўлиб ҳисобланар эди. Тижоратчи бўлган ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари белгилаш қонун чиқарувчи учун уларни оммавий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати билан изоҳланади [9]. Д.М.Қараходжаева юридик шахсларни тижорат ва нотижорат турларга бўлишни шубҳа остига қўймас-да, юридик шахсларни ташкилий-ҳуқуқий шаклидан келиб чиқиб турларга бўлиш маъқулроқ эканлигини билдиради [10].

Фикримизча, тижоратчи бўлган ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари белгилаш анъанавий шаклланган ва бутун дунёда амал қилувчи тизим қоидаларидан келиб чиқиши зарур. Шу билан бирга ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга бўлган тижоратчи юридик шахсларнинг мавжуд бўлиши (масалан, оилавий корхона, хусусий корхона) ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқни камайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПФ–5739-сон Фармонида кўра, янги тартиб амал қилмоқда. Унга кўра:

а) тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни ихтиёрий тугатишда: бир ёки бир неча даврий босма нашрларда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълонлар бериш талаб этилмайди, бунда тегишли маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи органнинг расмий сайтига жойлаштирилади;

давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳамда солиқ қарзи мавжуд бўлмаган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти текширилмайди;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказиладиган, тугатиладиган корхонанинг молияхўжалик фаолиятини текширишнинг энг узоқ даврийлиги уч йилни ташкил этади; молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун ваколатли давлат органларидан корхона тўғрисидаги мавжуд маълумотларни олиш Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали амалга оширилади;

корхонани ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги керак;

б) тадбиркорлик субъектлари – жисмоний шахслар фаолиятини тўхтатишда ариза берувчи томонидан давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги хулосасини олиш талаб этилмайди;

в) молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатишда:

корхонани молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган деб ҳисоблаш учун асос бўладиган муддат тўққиз ойни ташкил этади;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналар давлат солиқ хизмати органининг тақдимномасига асосан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан уч йил муддатга ҳаракатсиз режимга ўтказилади; ҳаракатсиз режимга ўтказилган корхоналар фаолияти уч йил давомида тикланмаган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган уларни Тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестридан чиқаради.

Мазкур Фармон юридик шахсни тугатишда муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазифасини бажармоқда. Чунки, илгари мавжуд бўлган тартиб турли оворагарчиликлар, сансалорликлар ҳамда бюрократик тўсиқларни беихтиёр қўйилишига олиб келар эди. Бир тарафдан солиқ қарзини ундиришдан иборат

эзгу мақсадлар кўйилган ҳолда, бошқа тарафдан коррупцияга йўл очиш ёки юридик шахсни тугатишнинг “тубсиз чуқурликдан” иборат жараён бошланар эди.

Юқоридаги Фармон юридик шахсни тугатиш борасида бир қатор энгилликлар бериши билан бирга айрим “тадбиркорлар”га турли суиистеъмолликларга ва қонунни четлаб ўтишга имкон бермаслиги зарур. Бунда “ҳаракатсиз режимга ўтказилган” юридик шахсларнинг турли солиқ қарзларини мавжудлиги, ҳуқуқларни суиистеъмол қилган ҳолда бошқа юридик шахслар билан қалбаки ёки кўзбўямачилик битимларини тузишга қарши курашиш зарур.

Л.Н.Буркованинг фикрича, юридик шахсни тугатиш учун қўлланиладиган усуллар қуйидагилар:

- юридик шахс директорини, бош бухгалтерини, муассисларни “таниш” фуқароларга ўзгартиради;

- юридик шахснинг жойлашган жойи ва манзилини бошқа ҳудудга ўзгартиради;

- “кераксиз” юридик шахсни бир кунлик фирма (фирма однодневка)га кўшиб юборади [11].

Бу ўринда юқоридаги ҳаракатлар фуқаролик-ҳуқуқий битим воситасида амалга оширилади. Мазкур битимлар бўйича ҳаракатларни амалга ошириш ва таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш деярли ҳеч қача вақт талаб қилмайди. Бироқ, ушбу битимлардан кўзланган оқибат қонунга зид ва мажбуриятларни бажаришдан қочишдан иборат бўлади. Натижада бошқа шахслар, контрагентлар ва давлатга муайян зарар келтириши мумкин. Бундай ҳолларда мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимни суд тартибида ҳақиқий эмас деб топиш ёки бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулларидан фойдаланиш зарурати юзага келади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва юридик шахсни тугатишга масъул бўлган давлат рўйхатидан ўтказувчи орган, солиқ инспекцияси бу борада ҳужжатларни пухта текшириши, турли суиистеъмолликлар ва қонунни бузиш ҳолатларига барҳам беришлари зарур.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтиш лозимки, тижоратчи юридик шахсларни тугатишга доир фуқароликҳуқуқий нормалар тизимлаштирилиши зарур. Бунда ФКда

юримдик шахсни ташкил этиш ва тугатишга доир нормалар батафсил ва тизимли тарзда ифодаланиши мақсадга мувофиқ.

Юримдик шахсни тугатишда кредиторлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш муҳим. Фуқаролик кодекси барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юримдик шахсларни тугатишга доир ягона, ихчам ва тўлақонли ҳуқуқий механизмларни ўзида ифодалаш лозим. Бунга маъмурий-ҳуқуқий меъёрлар аралаштирилиши мумкин эмас, зеро кодификацияланган фуқаролик-ҳуқуқий нормаларда оммавий-ҳуқуқий элементларнинг бўлиши, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш моҳиятига зид келади.

ФКнинг 53-моддасида юримдик шахсни ихтиёрий ва мажбурий тугатиш ҳоллари алоҳида ва яққол норма тарзида ифодаланмаган. Фикримизча, юримдик шахсни ихтиёрий тугатиш ва суд тартибида тугатиш фарқланган ҳолда нормаланиши лозим. ФКнинг 53-модда қуйидаги таҳрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқ:

“53-модда. Юримдик шахсни тугатиш

Юримдик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади.

Юримдик шахс қуйидаги ҳолларда:

унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юримдик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан юримдик шахснинг амал қилиш муддати тугаши, уни ташкил этишдан қўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юримдик шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юримдик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганида;

молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги сабабли белгиланган тартибда ҳаракатсиз режимга ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичида фаолият тикланмаган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра тугатилади, бундан нодавлат нотижорат ташкилотлари мустасно.

Юримдик шахс суднинг қарорига кўра:

қонун ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида давлат органи ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органининг даъвосига кўра юримдик шахс фаолияти рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонунда тақиқланган фаолият амалга оширилган ёхуд қонун ҳужжатида назарда тутилган ҳолларда ўзини ўзи бошқарувчи ташкилотда (ассоциация, палата ва бошқаларда) мажбурий аъзолиги бўлмаган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида бошқача

қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда;

юримдик шахс муассиси (иштирокчиси)нинг даъвосига кўра, юримдик шахс тузишдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслиги, шунингдек юримдик шахс фаолиятини амалга ошириш имконсиз бўлса ёки жиддий қийинлашаётган бўлса тугатилади.”

REFERENCES

1. Оқюлов О., Рўзиназаров Ш.Н., Имомов Н.Ф. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари (ахборот-таҳлилий материал). – Т.: ТДЮИ, 2015. 10-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.12.2019 й., 03/19/592/4144-сон.
3. <http://uzbekistan2035.uz>
4. Прозванченков А.В. Сравнительно-правовой анализ признаков банкротства // Ленинградский юридический журнал. – 2015. № 3. – С. 130-135.
5. Правовое обеспечение российской экономики: Учебник для студентов экономических специальностей / Отв. ред. Н.Г. Маркалова. М., 2002. С. 130.; Гражданское право. Учебник для вузов. Часть первая. М., 1998. С. 96.; Шиткина И. Создание холдинговой компании на базе имущественного комплекса единой коммерческой организации // Хозяйство и право. 2002. N 11. С. 61.
6. Юридические лица в российском гражданском праве. В 3-х т. Т. 3. Создание, реорганизация и ликвидация юридических лиц : монография / А.В. Габов, К.Д. Гасников, В.П. Емельянцева, Ю.Н. Кашеварова ; отв. ред. А.В. Габов. – М. : Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации : ИНФРА-М, 2019. 74-б. (-280 с.).
7. Кутлымуратов Ф.К. Проблемы гражданско-правового регулирования принудительной реорганизации юридических лиц: Дисс...канд.юрид.наук. – Т.,2009. -С.104 -106.
8. Нода Е.В. Ликвидация юридических лиц по законодательству РФ. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. -Москва,2005. -24 с.

-
9. Имомов Н. Юридик шахсларни турларга бўлишнинг танқидий таҳлили. //Yuridik fanlar axborotnomasiВестник юридических наук-Review of Law Sciences. 1 (2017) 68-74.
10. Караходжаева Д.М. Институт права собственности юридических лиц: особенности исторического развития и современное состояние в Узбекистане // Право и политика. - 2006. - № 2.
11. Буркова Л.Н. Современные проблемы ликвидации юридического лица. // Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 1: Регионоведение: философия, история, социология, юриспруденция, политология, культурология. 2009. 3-5-б.